

# **БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МУТОЛАА ВА КИТОБХОНЛИКНИНГ ЎРНИ**

***Кодирова Раъно Тухтаевна – катта ўқитувчи  
Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини Механизациялаши  
Муҳандислар Институти***

**Мен шунга аминман – китобсиз тараққиётга,  
юксак маънавиятга эришиб бўлмайди.**

**Китоб ўқимаган одамнинг ҳам,  
миллатнинг ҳам келажаги йўқ”.**

**Шавкат Мирзиёев.**

## **Аннотация**

Мақолада китобнинг, мутолаанинг инсон ҳаётидаги ўрни, Ўзбекистонда китобхонликни тарғиб қилиш борасидаги самарали ишлар, “Китобхонлик ҳафталиги” ва “Ёш китобхон” республика танловининг маънавий-маърифий аҳамияти ҳақида сўз боради.

## **Калит сўзлар**

Китоб, мутолаа, тараққиёт, танлов, ташаббус, беллашув, маърифат, рағбат, мукофот, тараққиёт, мотивация

## **Аннотация**

Статья посвящена значению книгочтения, процессам организации мероприятия по развитию и стимулированию книгочтения среди молодёжи Узбекистана. Раскрыта сущность праздников «Молодой читатель книг» и «Идея чтения».

## **Ключевые слова**

Книга, чтение, идея чтения, конкурс, инициатива, с состязание, просвещение, поощрение, прогресс, мотивация

## **Annotation**

The article is dedicated to the meaning of book reading, the processes of organizing an event for the development and stimulation of book reading among the youth of Uzbekistan. The essence of the holidays "Young reader of books" and "Idea of reading" is revealed.

## **Keywords**

Book, reading, reading idea, competition, initiative, with competition, enlightenment, encouragement, progress, motivation.

Бугун янгиланаётган Ўзбекистон жаҳонга бўй кўрсатмоқда. Баркамол авлоднинг эртанги кунга мустаҳкам умиди, ёрқин ишончи улкан. Кейинги тўрт йилда бўлиб ўтаётган шидатли, тарихий маънавий-маърифий ислоҳотлар миллий маънавиятимиз, маърифатимиз, адабиётимиз тарихада катта бурилиш ясагани рост.

Ўзбекистон миллий давлатчилиги ва унинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий-маданий ҳаётида инқилобий ўзгаришлар ва мисли қўрилмаган янгиланишлар даври бўлди.

Маънавиятимиздаги муҳим қадамлардан бири бўлмиш Президентимизнинг Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йилнинг 12 майдаги “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди.

Қарорда буюк адиб ва мутафаккирларимизнинг нодир мероси, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида танловларни Ватанимиз тарихи ва халқимизнинг маънавий ҳаётида беқиёс ўрин тутадиган Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Мухаммад Бобур, Мухаммад Ризо Оғаҳий, Бердақ сингари буюк мутафаккирларимиз ижоди ва фаолияти, жаҳон адабиётининг дурдона асарлари, шунингдек “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Қунтуғмиш” каби халқ достонлари бўйича ўтказиш, ғолибларни муносиб рағбатлантириш масалаларига кенг ўрин ажратилди.

Адабиёт –маданиятнинг, санъатнинг, маърифатнинг ўзаги. Ота боболаримиз айтганларидек бошқа фанлар илмнинг улкан намояндаларини етиштириши мумкин, адабиёт эса фидойиларни камолга етказади.

Фикр чизиғидан ўтган ҳар бир сатр халқ кўнглига етиб бораверади. Юракдан чиққан сўз нақ юракка етиб борганидек, адабиёт дурдоналари элнинг юрагини топиб бораверади. Шу

ўринда ардоқ ва эъзоз топаётган ижод аҳли адолатли ва шиддатли ислоҳотларга камарбаста бўлишлари керак.

Муаззам адабиёт карвонини ёруғ манзиллар сари етаклаётган, бу карвонларнинг бекатларини меҳр чироқлари билан ёритиб турган, карвонларнинг зиёларини халқقا етказишга камарбаста бўлиб турган юрт раҳбарининг мардона меҳнатидадир.

Инсон қўли билан яратилган энг буюк мўъжиза – бу китоб. Чунки китоб инсоният бойлиги, ҳар қандай жамиятда китобга муносабат жамият аҳлиниң маърифатга, илмга муносабатини исботи ҳисобланган.

Китоб – билим, маънавият ва маърифат манбаи, инсонни улуғлайдиган унда маънавият ва маърифат асосларини шакллантирадиган, уни комил қилиб тарбиялайдиган куч, у дунё ва бу дунёни танитиш манбаидир.(1)

**Маънавият. Асосий тушунчалар изоҳли лугати. Ф.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент-2010. 247 б.**

Китобнинг сеҳри, сўзнинг сеҳри башариятни ўз ўқи атрофида адашмай айланиб туришига катта хизмат қиласи. Зотан, сўз буюк ғалабага чорлайди ҳам, забун мағлубиятнинг заҳматини тотишга ҳам қодирлиги учун бу даҳри дунда аввал китоб яралган, сўз яралган, сўз ҳаётнинг аввали деб бекор айтилмаган.

**1. Маънавият. Асосий тушунчалар изоҳли лугати. Ф.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент-2010. 247 б.)**

Шу жиҳатдан ҳам истеъдод шундай мўъжизаки, Яратган уни ўзингиздан пинҳон бир гўзал лаҳзада қалбингизга қуиб қўяди, тақдирингизни боғлайди. Ва бу орқали сиз борлиқни бошқача нигоҳ билан кўра олишингизни инсониятга намоён қила оласиз. Бунинг учун эса адабиётнинг сарҳадлари кенг. Дарҳақиқат, ундаги қалам

шундай сехрли ва муқаддас дарахтки, унинг илдизигача сингмаган ижодкор макон ва замон шамолларида учирма бўлиб кетиши ҳеч гап эмас. Чунки ўз йўли ва ижодий қиёфасига эга бўлмаган ҳамда асл нурга талпиниб бўй чўзмаган навниҳолнинг ёғоч бўлагидан фарки йўқ. Ана шу нур, ўзига хос қобилият, ўзгача дунёқарашибизнинг иқтидорли ёшларимизда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Табиийки, бунда китобнинг ўрни бекиёс.

### **Оддийгина мисол.**

Биламизки, Америкадаги Гарвард университети дунё таълим ва фан рейтингида етакчи ўринда туради. Китобни севгани ва қадрлагани учун Гарвард университети битирувчиларининг 75 нафари Нобель мукофоти соҳиби, дунё миллиардерлари бойлигининг ярми мана шу университетда таҳсил олган, Американинг 45 Президентидан 12 нафари шу университетни битирган”.

Мана китобнинг кучи!

Кўринадики, китобга ошно мутафаккирларнинг илмий маърифий мерослари неча юз йиллар, неча даврлар ўтиб ҳам инсоният тараққиётига йўлчи юлдуздек нур сочиб туради.

Оташин шоир Ҳамид Олимжоннинг уйида уруш йилларида шоирнинг ёниқ мисраларидан куч олган ўзбек жангчиларининг ёзган хатлари бор. Шоир китобларининг ўқувчиларга нақада ёққанини тасдиқлайди бу номалар.

“Менга бир жангчи Ҳамид Олимжоннинг “Қўлингга қурол ол!” тўпламини келтириб берди. Китоб осколка билан тешилган, уруш дудида сарғайган, титилган ва айрим жойлари куйган. Мазкур ўртоқнинг айтишича, у китобни шу ҳолида, жанг майдонидан, қор устидан топиб олган ва урушнинг сўнгигача ёнидан қўймаган. Бу тўпламдаги шеърларнинг ёнларига жангчиларнинг қўли билан ёзилган сўзлар катта аҳамиятга эгадир: “Шарқдан Ғарбга кетаётган дўстга” шеъри ўзбек, қозоқ, туркман, озарбайжон, қирғиз жангчиларига ўқиб бериш учун агитатор Мавлоновга топширилди.

**(2).С.Тўйчиева.Водийларни яёв кезганда. Тошкент. 2018. А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти.139 бет.**

Яшасин! 20 март, 1943 йил”.Ушбу сатрларни ёзган аскарнинг исми, шарифи, манзиллари хат бурчаги куйганидан билинмай кетган. Лекин кўриниб турибдики, оташ сатрлари ўзбек ўғлонлари китобдан куч олганлар, қувват олганлар.

Китоб жасоратга йўлловчи мўъжиза эканининг исботи бу.

Буюклар болангизга китоб ўқиши ўргатинг, қолган ҳаммасини китобнинг ўзи ўргатади. Ёрқин келажакка эса фақат илму фан орқали борилади.Муаззам адабиёт карvonини ёруғ манзиллар сари етаклаётган, бу карvonларнинг бекатларини меҳр чироқлари билан ёритиб турган, карvonларнинг зиёларини халқقا етказишга камарбаста бўлиб турган юрт раҳбарининг мардона меҳнатидадир.

Тўрт йилдан бери ўтказилиб келинаётган “Ёш китобхон “ танловининг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни беқиёс. “Ёш китобхон” танловини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги мажлис баёни ижросини таъминлаш, Юртбошимиз илгари сурган беш муҳим ташаббус доирасида аҳоли, айниқса ёшлар мутолаа маданиятини юксалтириш, китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида ўтказилган “Ёш китобхон” танловининг республика босқичи ҳақиқий маърифат байрамига айланиб кетди.

“Ёш китобхон” танловида ўтган тўрт йил мобайнида 2 миллион 470 минг нафардан ортиқ ёшлар иштирок этдилар, 2020 йилда 300 мингдан ортиқ ёшларимиз биринчи марта онлайн тарзида ариза топширдилар.



**2. С.Тўйчиева. Водийларни яёв кезганда. Тошкент. 2018. А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. 139 бет.**

Бу йилги танловнинг биринчи ўрин соҳиблари Президент совғаси “Spark” автомашинаси, иккинчи ўрин даъвогарлари 30 миллиондан (аввалги йилларда 2-ўринга компьютер жамланмаси берилган), 3 ўрин эгалари 15 миллион (ўтган йилларда 3-ўрин эгаларига 200 дона китоб жамланмаси берилган)дан пул мукофотлари ажратилган, юзлаб, минглаб китобсевар ёшлар учун катта рағбат вазифасини ўтайди, асли донишмандлик қонимизда борлигини яна бир карра исбот қиласди.



Дунёда инсон учун икки нарса мукаррам ва муқаддас – бири нон бўлса, иккинчиси китоб. Нон инсон танасига куч-қувват беради, иккинчиси китоб эса маънавий қудрат тимсоли саналади.

Ҳазрати Пайғамбаримиз “Бешикдан қабргача илм излангиз” деган насиҳатларида мана шу икки мукаррам нарсани назарда тутган бўлсалар керак.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз “Китоб (битик) барча бунёдкорлик, яратувчилик , ақл-идрокнинг , илму донишнинг асосидир, ҳаётни яратувчи мураббийдир” деган эдилар.

Биз дунё илму закосига тамал тоши қўйган илму донишлар, мутафаккирларнинг набираларимиз. Сўз мулкининг султони Алишер Навоий, "Бобурнома" муаллифи, шоҳ ва шоир Захириддин Муҳаммад Бобур, биринчи туркий тиллар лугати муаллифи Махмуд Қошғарий, араб тили грамматикаси асосчиси Муҳаммад Замаҳ шарийдек, улуғ муҳадислар Имом Бухорий ва Имом Термизий сингари буюк тафаккур эгаларининг авлодларимиз. Номлари зикр этилган аждодларимиздан хар бирининг ҳаёти ибрат мактабидир.

Мана шу шарафли ибрат мактабининг устозларидан бири сифатида фахр билан айта оламанки янги Навоийлар, Мирзо Бобурлар тарбиялаб етиштирмоқ учун ҳам китоб ва мутолаани ҳар бир талабамизнинг, ҳар бир ўғилу қизимизнинг юрагига тумор қилиб қўймоғимиз лозим. Зотан, мутафаккирлар айтганларидек яхшиликнинг мукофоти яхшилиkdir!

Зоро, Юртбошимизнинг “Илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония ҳам вақtingиз бекор кетмасин. Илм ва билим- ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг!”(3) - деган сўzlари янги Ренессанс пойдеворини яратишдек шарафли вазифани бажариш учун катта ишонч ҳисобланади. Бу ишонч буюк миллатнинг порлоқ эртаси учун ёниб турган шамчироқ бўлиб порлаб туради.

## **Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида” Фармойиши. // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 38-сон.

2. 2018 йилнинг 12 майида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк алломалар, адаб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори.

3.Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан қурамиз”,Тошкент, “Ўзбекистон,2017.

4.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Ёшлари Форумида сўзлаган нутқи.Янги Ўзбекистон.2020.26 декабрь.2-бет.

5.Каримов И.А. “Юксак маънавият енгилмас қуч”, Тошкент, ”Маънавият”, 2008.

3.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Ёшлари Форумида сўзлаган нутқи.Янги Ўзбекистон.2020.26 декабрь.2-бет.





## **ЁШЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА МУТОЛААНИНГ ЎРНИ**

Нур Шарқдандир.

Биз дунё илму закосига тамал тоши қўйган илму донишлар, мутафаккирларнинг меросхўрларимиз. Ма- тематика ва астрономия фанлари асосчиси Муҳаммад Мусо Хоразмий, Ер ўлчови ҳақидаги дастлабки маъ- лумотлар билимдони Ахмад Фарғоний, Ер радиусини хисоблаб чиқкан, денгизлар назарияси асосчиси Абу Райқон Беруний, тиббиёт отаси Ибн Сино, қомусий аллома Абу Наср Форобий, буюк Соҳибқирон Амир Темур, сўз мулкининг сultonи Алишер Навоий, 1018 юлдузнинг жойлашув тартибини асослаб берган, етук давлат арбоби Мирзо Улуғбек, "Бобурнома" муаллифи, шоҳ ва шоир Захириддин Мухаммад Бобур, биринчи туркий тиллар лугати муаллифи Махмуд Кошғарий, араб тили грамматикаси асосчиси Муҳаммад Замах- шарийдек, улуг мухддислар Имом Бухорий ва Имо.м Гермизий сингари буюк тафаккур эгаларининг авлод- ларимиз. Номлари зикр этилган аждодларимиздан хдр бирининг хаёти ибрат мактабидир. Айни дамдабузот- ларнингавлодиэканимизнихисэтишнингўзиифтихорсаналади.

**“Мен шунга аминман – китобсиз тараққиётга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ”. Шавкат Мирзиёев.**

## **УСТОЗИ АВВАЛ КИТОБ....**

(ОАК журналига мақола)

1.Дунёда инсон учун икки нарса мукаррам ва муқаддас – бири нон бўлса, иккинчиси китоб. Нон инсон танасига куч-қувват беради, иккинчиси китоб эса маънавий қудрат тимсоли саналади.

Мутафаккирларимиз китобнинг бизга ўргатадиган энг эзгу ва улкан сабоги тўғрисўзликдир, яхши китобларни ўқиш дунёнинг энг доно кишилари сухбатида бўлиш демакдир деганларида нақадар хақ эдилар.Фикр чизигидан ўтган ҳар бир сатр халқ кўнглига етиб бораверади.Юракдан чиққан сўз юракка етиб борганидек, адабиёт дурдоналари элнинг юрагини топиб бораверади.

Мамлакатимиз раҳбарининг нутқида Учинчи Ренессанс даврига пойдевор қўйилаётгани алоҳида таъкидланди. Тарих гувоҳ, юртимизда биринчи Ренессанс-Ўйғониш даври 7-12 асрларда Ал Хоразмий, Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино номлари билан, иккинчи Ренессанс даври 14-16 асрларда Мирзо Тарагай Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Аҳмад ал Фарғоний номлари билан эътироф этилади. Бизнинг бўсағасида турганимиз Учинчи Ренессанс даври ана шу буюк мутафаккирларнинг издошларини камол топтириш, жаҳон саҳнасида ўзбек илм-фани, маърифати, маданияти, санъати, адабиётини намоён қилишдан иборат.

Ҳаракатлар стратегиясининг 4-банди асосида олиб борилаётган бу ислоҳотлар замирида “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” шиорининг пурхикмат мазмуни бор.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги “2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 26 декабрдаги “Ёшларнинг китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган “Ёш китобхон” танловини

ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги мажлис баёни ижросини таъминлаш, давлат раҳбари илгари сурган беш муҳим ташабbus доирасида аҳоли, айниқса ёшлар мутолаа маданиятини юксалтириш, китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида ўтказилган “Ёш китобхон” танловининг республика босқичи ҳақиқий маърифат байрамига айланиб кетди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, Хукумат қарори билан 2020-2025 йилларда китобхолик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури тасдиқлангани, уч босқичдан иборат мазкур дастур :-2020-2021 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш бўйича ташкилий-хукукий механизмларни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

-2020-2022 йилларда оид инфратузилмани мустаҳкамлаш;

-2024-2025 йилларда ёшларнинг китобхонлик маданиятини жадал ривожлантириш, уларнинг интеллектуал салоҳияти ўсиши ҳисобига инсон капитали сифатини яхшилаш чора-тадбирларини ўзи ичига олади.

Мутафаккирларимиз китобнинг бизга ўргатадиган энг эзгу ва улкан сабоги тўғрисўзликдир, яхши китобларни ўқиш дунёning энг доно кишилари суҳбатида бўлиш демакдир деганларида нақадар ҳақ эдилар. Фикр чизиғидан ўтган ҳар бир сатр халқ кўнглига етиб бораверади. Юракдан чиққан сўз юракка етиб борганидек, адабиёт дурдоналари элнинг юрагини топиб бораверади.

“Адабиёт надир” мақоласида “Адабиёт яшаса – миллат яшар. Адабиёт ўлмаған ва адабиётнинг тараққийсига чалишмаган ва адиблар етиштирмаған миллат бир куни охир ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум бўлиб қолиб. Секин-секин инқироз бўлур. Муни инкор қилиб бўлмас. Инкор қилган миллат ўзини инқирозда эканин билдирур. (Чўлпон.Асарлар, 1У жилд, Тошкент, Академия 2016, 4-б.

Китоб сўzlари кишининг қўлидан тутади, уни эзгу йўлга бошлайди. Бу ҳикматни кўплаб китобларни ўқиган одамгина англаб етади.

Юсуф Хос Ҳожиб. (“Саодат йўли”, О.Салимов, М.Бекмуродов ва бошқалар, Тошкент, F.Гулом номидаги матбаа ижодий уйи, 496.)

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. 1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида” Фармойиши. // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 38-сон.
2. 5. 2018 йилнинг 12 майида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори.
3. Миллий маданиятни ривожлантириш бўйича Президент қарори.2018 йил, 29 ноябрь, Халқ сўзи.
4. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қурамиз”,Тошкент, “Ўзбекистон”,2017.
- 5.КаримовИ.А.“Юксак маънавият енгилмас куч”, Тошкент,”Маънавият”,2008.
- 6.“Саодат йўли”,О.Салимов, М.Бекмуродов ва бошқалар,Тошкент, F.Ғулом ,2016.
- 7.Чўлпон.Асарлар, 1У жилд,Тошкент, Академия 2016.
- 8.(Ф.Равшанов Ф. Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба.Тошкент,Академия-2007

